

## ЁШЛАРНИ МАЬНАВИЙ ТАХДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Рустам Ахунджанович Бегматов*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти*

*Мақолада ёшларни маънавий таҳдиidlардан ҳимоя қилишида тарихий тафаккурниң шакллантиришининг роли ва аҳамияти қисқача баён қилинган.*

*В статье кратко изложена роль и значение формирования исторического мышления в защите молодежи от духовной угрозы.*

*The article briefly outlines the role and significance of the formation of historical thinking in protecting youth from spiritual threats.*

**Калим сўзлар:** Глобаллашув, миллий урф-одатлар, анъаналар маънавият, таҳдиid, миллий урф-одатлар, анъаналар, тарихий тафаккур.

**Ключевые слова:** Глобализация, национальные обычаи, традиции, духовность, угроза, национальные обычаи, традиции, историческое мышление.

**Key words:** Globalization, national customs, traditions, spirituality, threat, national customs, traditions, historical thinking.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ислоҳатлар, миллий юксалиш шароитида ёшларни маънавий етук шахс сифатида шакллантириш, маърифатли шахс этиб тарбиялаш мухим устивор йўналишга айланмоқда. Глобаллашувнинг тобора авж олиши миллий маънавиятларга қарши оммавий маданият, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби таҳдиidlарниң кучайишини тезлаштирумокда. Таракқиётни ўзига хос босқичи бўлган ахборотлашган жамиятда фан соҳаларидағи ахборотлашув билан боғлиқ инновацион жиҳатларни ёшлар онги, дунёқараши, турмуш тарзи, миллий менталитети, миллий қадриятлари, маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-маданий идеалларига таъсирини тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан мамлакатимизда ёшларни глобаллашув ва ахборотлашув таъсирида маънавий бегоналашув ҳолатига тушиб қолмасликлари учун соғлом мухитни яратиш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда миллий урф-одатлар, анъаналардан самарали фойдаланиш, шунингдек бу борада мақсадли, тизимли равишда маънавий-ахлоқий ва маърифий тарбиявий ишларни янада кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Таракқиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз шарт ва зарур. Бу бизда ривожланишниң энг қисқа йўлидан бориш мконини беради”[1].

Бугунги глобаллашув асрида ахборотга бўлган талаб ҳар қачонгидан кўра, кучайиб бормоқда. Шундай экан, холис ва ҳаққоний ахборотларни тарқатиш, омманинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан кўра бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари, телерадио каналлар одамларни холис ва ҳаққоний ахборот етказадиган, гуманистик қараашлар, илғор ғояларни ифода қиладиган эркин минбар сифатида эътибор бериладиган воситадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъкидлашича, . “Хозир интернет тармоқларида 60 мингдан ортиқ бузғунчилик, зўравонлик ва ахлоқизлигни, “оммавий маданият”ни тарғиб этадиган сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай кескин ва мураккаб ахборот хуружлари ва хавф-хатарларга биз қандай қарши тура олами? Ёшларга интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қандай маънавий ва руҳий озуқа беряпмиз? Афсуски, ҳеч биримиз бунга ижобий жавоб бера олмаймиз. Ёшларда ёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, “бу - яхши, бу – ёмон” деган қатъий фикр пайдо бўлмас экан, мафкуравий хатарларга қарши туриш қийин бўлади” [2.].

“Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, тероризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора қучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда” [3], – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Шу маънода, ғоявий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялашдаги асосий вазифаларидан бири комил инсонни шакллантириш ва уни амалга оширишга бўлган интилишларнинг маъно-мазмунини ташкил қиласи.

Глобаллашув даврида халқимиз миллий менталитетига асосланадиган азалий қадриятлар, анаъана ва урф-одатларни сақлаш ва келгуси авлодга етказиш муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, миллий менталитетнинг икки томони бор. Миллий менталитетнинг консерватив характеристи шундан иборатки, у бир авлоддан бошқа авлодга ўзгаришсиз тадрижий ўтади ва оқибатда миллий анъаналарни мустаҳкамлашга асос бўлади. Миллий менталитетнинг секироқ ўзгариши жамиятнинг барча соҳаларида бўладиган ўзгаришларга салбий таъсир кўрсатиши ва ҳатто тўсиқлик қилиши мумкин. Миллий менталитетнинг ўзгарувчанлиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. Файласуф олима Ш.Мадаева таъкидлаганидек, халқнинг “миллий менталитети ижтимоий тафаккурнинг умумлашган шакли, шу билан бирга, бир неча минг йиллик

тариҳий довонлар оша шаклланиб, ўзбекларнинг миллат даражасида бирлаша олишига восита яратган тафаккур ифодаси сифатида юксак қадрият мақомига эга”дир. [4.]

Мафкуравий профилактика тушунчаси инсон, ижтимоий гурӯҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян ғоя ва мақсадларни ифода этадиган мафкуравий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараённи англатади. Ўзбекистон шароитида бундай фаолиятнинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборат бўлади.

Бугунги кунда мафкуравий профилактиканинг ёш авлодни ғоявий ҳимоялаш омили жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қиласи. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир. Зеро, мафкуравий мақсадларни кишилар, айниқса, ёш авлоднинг онгига сингдириш вазифаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

“Ўзбекистон тарихи”ни чукур ўрганиш, ёшларни ўтмишимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, жаҳон илмий тафаккури ва маданиятига қўшган хиссаси билан таништириш, маданиятимизнинг беназир алломалари номларини ҳурмат билан тилга олиш, улар билан фаҳрланиш, миллий ифтихор руҳини сингдиришга ёрдам беради.

Президент Ш.Мирзиёев раислигига 2023 йил 22 декабрь куни ”Республика маънавият ва маърифат кенгаши”нинг йиғилишида қўйидаги фикрларни билдирилар: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.. Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”[5].

Тафаккурнинг асосий вазифаси реал боғлиқликларга асосланган зарур алоқаларни вақт ва фазодаги тасодифий мос келишлардан ажратган ҳолда аниқлашдан иборат. Тафаккур жараёнида тасодифийдан заруратга, айримликдан умумийликка ўтиш содир бўлади.

Шундай қилиб, тариҳий тафаккурни воқеликни умумлаштирилган ва воситалangan акс эттириш сифатида таърифлаш мумкин. Воқеликни

умумлаштирган ҳолда акс эттириш биргина одам ва замондошларининг эмас, балки, ўтмиш авлодларининг ҳам тажрибасини қайта ишлаб чиқиш натижасидир.

Тарихий тафаккури шаклланган, мустақил фикрига эга ёшларимиз сиёсий жиҳатдан етук ёшлар жамият тараққиётининг гаровидир .Шахснинг соғлом ўсиб улгайиши, унинг интеллектуал ривожланиши, жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар тамонлама камол топиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ва самарали фаолият олиб боришида тарихий тафаккурнинг шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Тарихий тафаккурнинг шаклланганлиги ёшларда эртанги кунга ишонч билан қарашга ва фақат олдинга интилиб яшашга ундейди. Тарихий тафаккур аввало талаба- ёшларнингларнинг дунёкараши, сиёсий ва ҳукукий маданияти, фуқаролик позитсиясида намоён бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига 2021 йил 19 январь куни ўтказилган йиғилишда “Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепция”си ишлаб чиқилди.. Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилишда «Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти жуда катта. Афсус, бу фанлар ривожи замондан ортда қолмоқда. Хусусан, биз учун ниҳоятда долзарб бўлган тарих фани ҳам бундан мустасно эмас. Тарихга оид илмий тадқиқот ишлари асосан баёнчилик, публитстик усулда олиб борилмоқда. Натижада, олис ва яқин ўтмишимиздаги кўпгина воқеалар моҳияти, уларни юзага келтирган омиллар ва тарихий қонуниятлар очилмасдан қолмоқда.Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур: миллий тарихни миллий рух билан яратиш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хulosha чиқаришга ўргатишимиш, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантишимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишимиз вақти-соати келди, деб ўйлайман. Тарих институтини бу фанни ривожлантириш бўйича таянч илмий муассаса этиб белгилаш керак», — деб такидлади. «Шунингдек, таълим муассасаларида тарих фанини ўқитиш ва тарғиб этиш ишларини тубдан яхшилаш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.Ўзбекистон тарихи телеканали ватанимизнинг шонли тарихи ва аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасини тўлақонли кўрсатиб берадиган, халқимиз, айниқса, ёшларимиз севиб томоша қиласиган илмий-маърифий каналга айланиши керак», — деди давлатимиз раҳбари.[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг: «Халқмизнинг улуғвор кудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйгониш - Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда», - деган сўзилари бугунги кунда мамлакатимизда,

шиддат билан ривожланаётган хаётимизда руй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмокда. Бинобарин, “мустакилликка эришган йилларимизнинг илк даврида биз ўзимизнинг миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихий-маънавий хамда илмий меросимизнинг асл мазмун-мохияти магини чакиш ва уни руёбга чикиришга интилган бўлсак, эндиликда халқимиз жиспланиб “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” ғоясини сабит қадамлик билан амалга оширишга киришди”.[7] Бу даврда жамиятимизда ижтимоий тафаккурнинг юксалиш тенденцияси қарор топиши, унга хос хам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларнинг мужассамлиги эътироф этилмокда. Миллий рух ва умуминсоний қадриятлар уйгун бўлган ижтимоий тафаккур - мамлакатимиз баркарор ривожланишининг мезони ва мустахкам пойдеворига айланмокда.

“Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйгониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўнимизга асосий максад килиб белгиладик. Бу хакда гапирав эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-мохиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чукур англаб олиши керак.” [8] Ёшларда тарихий тафаккурни шакллантириш уларни мустакил фикрлаш, таҳлил қилиш ўз фикрини етказиб бериш, ташкилотчилик қобилияти ривожланишида муҳим ўрин тутади. Чунки тарихий тафаккурга эга ёшлар жамиятнинг эртанги кунини белгиловчи кучга эга, юртимизнинг баркарор ривожланиши, ватан озодлиги ва ободлигини таъминлашга хизмат килиб, халқнинг эртанги кун тақдирини ҳал килади.

Ҳозирги вақтда. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишининг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилаш, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурига кўра, Ўзбекистон тарих фанини ўқитиши модернизатсиялаш ва рақобатдошликни кучайтириш, соҳага илғор технологияларни жорий этишга янада кенг имкониятлар яратади. Ахборот-коммуникация технологиялари охирги 30 йил ичida жамиятни ўзгартирди. Бу эса дунёқарашибилан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлишни, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билишни, ижтимоий – сиёсий масалалар ва кечеётган жараёнларни мустақил таҳлил қила олишни, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантиришни талаб қиласиди Айниқса, замон талабидаги рақобатбардош кадрлар масаласидаги муаммоларни бартараф қилиш, таълим ривожланишини барқарорлашувининг энг муҳим омилларидан бири – бу Ўзбекистон тарихини ўқитишини ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида узвийликни таъминлаш ва янги босқичга кўтаришdir. Илм-фанда турли ўзгаришлар кутилмоқда, бу эса жамиятнинг барча соҳаларини ривожланишида инновацияларнинг ролини кучайтиради ва кўплаб анъанавий ўсиш омилларининг таъсирини камайтиради. Ўзбекистон тарих фанидаги

кейинги илмий янгиликларни мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ёшларни тарбиялашда фойдаланиш амалга оширилаётганталим соҳасидаги мазмунини ташкил этади Хусусан, жамиятда кутилаётган илғор ўзгаришлар шароитида мактабгача, умумий ўрта, профессионал таълим тизимларида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиши-ёшларда ижодкорлик қобилияти ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, уларда олий таълим босқичида ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенсиялар ва дунёқарашларни шакллантиришда асосий ечим бўлиб хизмат қиласди. Ватанимиз тарихини яхши билган ёшларимиз давлатимиз ва жамиятимиз ривожланиши ва тараққиётига илғор ва мустақил фикрлари билан ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар.

Тафаккурнинг асосий вазифаси реал боғлиқликларга асосланган зарур алоқаларни вақт ва фазодаги тасодифий мос келишлардан ажратган ҳолда аниқлашдан иборат. Тафаккур жараёнида тасодифийдан заруратга, айримлиқдан умумийликка ўтиш содир бўлади.

Шундай қилиб, тафаккурни воқеликни умумлаштирилган ва воситаланган акс эттириш сифатида таърифлаш мумкин. Бундан тафаккурнинг муҳим белгиларидан бири умумлаштиришдан иборатлиги келиб чиқади. Воқеликни умумлаштирган ҳолда акс эттириш биргина одам ва замондошларининг эмас, балки, ўтмиш авлодларининг ҳам тажрибасини қайта ишлаб чиқиш натижасидир. Бу тажриба тил ёрдамида оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланган. Шунинг учун тафаккур қўплаб одамлар билимларини умумлаштиради.

Тафаккур жараёнида инсон амалий фаолият, образлар ва тасаввурлар, моделлар, чизмалар, белгилар, тил каби жисмли ва ижтимоий оламнинг аҳамиятли алоқа ва муносабатларига кириб бориш мақсадида, инсоният томонидан ишлаб чиқилган турли хилдаги воситалардан фойдаланади.

“Тарихий тафаккур марифатли жамият қуришнинг муҳим омили булиб хизмат қиласди. Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар рухиятида жиддий ўзгаришлар ясашга, бу орқали ҳаётини, турмуш тарзини, охир оқибатда эса, жамиятни манавий ислоҳ қилишга эришилади.[9]

Демак, тарих фани тарихий жараёнларни ўрганиш орқали мустақил фикрлаш, холисона баҳолаш, хулоса чиқариш орқали тарихий, сиёсий билимга эга, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўша оладиган ватанпарвар инсонларни шакллантиришдан иборат.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2021. -Б. 24.

2.Президент Ш.Мирзиёевнинг Республика “Маънавият ва маърифат кенгаши”нинг кенгайтирилган йиғилишидаги марузаси 2023 йил 22 декабр

3.Мирзиёев Ш.М Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент.: Ўзбекистон,2017.Б. 295

4.Мадаева Ш. .Миллий менталитет ва демократик тафаккур. - Т;, Фалсафа ва ҳукуқ институти нашриёти.2007.Б. 19.

5. Президент Ш.Мирзиёевнинг Республика “Маънавият ва маърифат кенгаши”нинг кенгайтирилган йиғилишидаги марузаси 2023 йил 22 декабр

6..Президент Ш.Мирзиёевнинг Республика “Маънавият ва маърифат кенгаши”нинг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаси 2021 йил 19 январ

7.Мирзиёев, Ш.М. Миллий тараккиёт йулимизни катъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент.,Ўзбекистан.2017.Б.592

8.Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан –миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 4-жилд. 2020 -Б. 178.

9. Б Ходжаев Модернизациялашган дидактик таъминот воситасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантириш-Т.”Фан ва технология”2015 .Б.14